

А Ж Р И М

(тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2024 йил сентябрь ойининг 24 куни, жиноят ишлари бўйича Мингбулоқ тумани суди, ўз биносида, видеоконференцалоқа режимидаги очиқ суд мажлисида, туман судининг судьяси Ё.Эргашевнинг раислигида, судья ёрдамчиси З.Қўлдашевнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Мингбулоқ туман прокурорининг ёрдамчиси О.Худойбердиев, судланувчи Э.Рустамов, жабрланувчи Г.Абдурахмановаларнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан судланувчи Рустамов Эрмирза Авазхоновичга оид 1-1604-2402/58-сонли жиноят иши кўриб чиқилди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Судланувчи Рустамов Эрмирза Авазхонович 1994 йил 15 февралда Косонсой туманида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти олий, мавсумий ишчи, оилали, 1 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Косонсой тумани, “Чак” МФЙ, Гагарин кўчаси, 68-уйда яшайди, иш бўйича муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхаси ўз вақтида олган.

Суд, судланувчи ва жабрланувчининг кўрсатувларини, давлат айбловчисининг фикрларини тинглаб, уларни жиноят ишида тўпланган ҳужжатлар билан таҳлил қилиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И :

Судланувчи Э.Рустамов алдаш ёки ишончни суиистеъмол қилиш йўли билан ўзганинг мулкини қўлга киритиш мақсадида, муқаддам “NAMXU OTM” МЧЖ қарашли нодавлат олий таълим ташкилотида ишлаганидан фойдаланиб, 2023 йил 23 августда Учқўрғон туманлараро иқтисодий судининг ҳал қилув қарорига асосан нодавлат олий таълим ташкилотининг лицензияси бекор қилинганлигини билгани ҳолда 2024 йил февраль ойида олий таълим муассасаси талабаси Абдурахманова Гулноза Дилмурод қизига 2-курс, 1-сестр контракт тўлови учун тўловни амалга оширишлигини айтиб, алдаб, унинг 4.500.000 сўм миқдоридаги пулларини олиб, ўзининг шахсий эҳтиёжлари йўлида ишлатиб юборган.

Судланувчи Э.Рустамов суд мажлисида ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, айбига тўла иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги, содир этган қилмишининг оқибатларини англагани, жабрланувчи Г.Абдурахмановадан кечирим сўрагани, ҳозирда жабрланувчи Г.Абдурахманова билан ўзаро ихтиёрий равишда ярашиб олгани, моддий зарарни тўлиқ қоплаганини айтиб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Жабрланувчи Г.Абдурахманова суд мажлисида берган ярашув тўғрисидаги аризасини қувватлаб, судланувчи Э.Рустамов етказилган моддий



зарарларни тўлиқ қоплагани, унга нисбатан моддий ва маънавий зарарлар масаласида ҳеч қандай даъвоси йўқлиги, уни кечиргани, аризани ўз хоҳиши билан ёзгани, унга бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув суд томонидан тасдиқлангандан кейин келиб чиқадиган ҳуқуқий оқибатларни тушунгани ҳақида кўрсатув бериб, жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ, Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи, фуқаровий даъвогар билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса тарафларнинг ярашилганлиги муносабати билан жиноий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи Г.Абдурахманова ҳамда судланувчи Э.Рустамовнинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иши ҳужжатлари билан ўрганиб, давлат айбловчисининг жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатиш ҳақидаги фикрларини эшитиб, судланувчи Э.Рустамовнинг айбига тўла иқрорлиги ва етказилган зарарни тўлиқ қопланганлиги, муқаддам судланмаганлиги, жабрланувчини унга нисбатан моддий ва маънавий зарар бўйича даъвоси йўқлиги, жабрланувчи ва судланувчига бирон-бир тазйиқ бўлмагани, ярашув судланувчи ва жабрланувчи хоҳишлари билан бўлаётганлиги ҳамда Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноят Жиноят кодексининг 66¹-моддасига мувофиқ ярашувга тушишини инobatга олиб, судланувчи Э.Рустамовга нисбатан юритилган жиноят ишини тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатишни ҳамда судланувчи Э.Рустамовни жиноий жавобгарликдан озод қилишни ҳамда унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чорасини ажрим қонуний кучга киргач бекор қилишни лозим топди.

Шу билан бирга, суд жабрланувчи Г.Абдурахмановага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушунтиришни лозим топади.

Суд, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддаси ва Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 423, 582, 583, 585-586-моддаларини қўллаб,

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Судланувчи Рустамов Эрмирза Авазхоновичга нисбатан Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 168-моддасининг 1-қисми билан юритилган жиноят иши тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин, судланувчи Э.Рустамов жиноий жавобгарликдан озод қилинсин.

Судланувчи Э.Рустамовга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш тўғрисидаги тилхат эҳтиёт чораси ажрим қонуний кучга киргач бекор қилинсин.

Жабрланувчи Г.Абдурахмановага етказилган зарар тўлиқ
ланганлиги инobatга олинсин.



Жабрланувчи Г.Абдурахмановага Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 583-моддасига асосан ушбу ярашув суд томонидан тасдиқлангандан сўнг мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотиши тушунтирилсин.

Ажримдан норози тарафлар ажрим нусхаси олган кундан бошлаб, ўн кунлик муддат ичида, шу суд орқали Наманган вилоят судига апелляция тартибда, ажрим қонуний кучга киргач кассация тартибда хусусий шикоят беришга, прокурор хусусий протест келтиришга ҳақли.

Раислик қилувчи:

Ё.Эргашев

